




QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклар олинг!

## Кўрик-танлов

Конституция – жамият таянчи ва юртимиз таракқиётининг ҳуқуқий кафолати, давлатимиз мустақиллигининг ёрқин рамзи, кўп миллатли халқимиз хоҳиш-иродасининг қонуний ифодаси. Унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгу шуурида Ватанга садоқат, қонуналигимизга ҳурмат туйғусини мустақамлаш асосий вазифаларимиздан биридир.

Шу мақсадда “Адолат” социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан **“КОНСТИТУЦИЯ РАНГЛАР ЖИЛОСИДА”** мавзусида истеъдодли ёшлар ўртасида расмлар кўрик-танлови эълон қилинди.



# КОНСТИТУЦИЯ ёш мусаввирлар нигоҳида

## Муносабат



Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси раҳбари

# Ҳамшираларни раёбатлантириш тизими ишлаб чиқилади

Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар негизда инсон кадрини улуглашга қаратилган эзгу мақсад мужассам. “Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар қаторида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

26 октябрь куни давлатибиёт раҳбари тиббиёт масканларида яратилаётган шароит ва имкониятлар билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган тиббиёт муассасаларига ташриф буюриб, соҳада фаолият олиб бораётган ходимлар ва маъсул раҳбарлар иштирокида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифаларни муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизими ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлаш устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Келгусида оилавий поликлиникалардан 10 километр узоқликда жойлашган 272 та маҳаллада тиббиёт пунктларини ташкил қилиш, улардаги бўш ўринларини тўлдириш вазифалари белгилаб берилди.

Айни вақтда “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ҳудудларда 191 нафар шифокор иш бошлагани ҳам лойиҳаларнинг амалдаги ифодаси ҳисобланади. Худудларда касалликларни эрта аниқлаш, юқори технологик даволаш ва уларни камайтириш ҳамда эндокринология, кардиология ва хирургия марказларининг худудлардаги фойлиятини самарали ташкил қилиш, шифокорларни юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, яхши натижага эришган шифокор ва марказ раҳбарларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади. Бундан ташқари, тиббий хизмат самарадорлигини ошириш мақсадида ихтисослашган марказларда янги юқори технологик даволаш усуллари жорий этилиши, 640 та тез ёрдам машинаси харид қилиниши белгилаб берилди.

## “Яшил макон”

# Табиатни асраб-авайлашга БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Президентимизнинг ташаббуси билан юртимиздаги барча овул ва маҳаллаларда, ташкилот ва корхоналарда диёримизни обод қилишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилнинг 31 октябрь куни партия Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати вакиллари билан биргаликда Нукус шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати атрофида сояли ва хушманзара худуд яратиш мақсадида кўчатлар экилди.

Ушшоқлик ва юқори савияда ташкил этилган ҳар бир иш, албатта, кун келиб

ўз натижасини беради. Зеро, ўзимиз яшаб турган жойни обод қилишга ва уни келгуси авлод учун ҳам асраб-авайлашга барчамиз бирдек масъулмиз.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тadbирлари партиянинг барча ташкилотлари томонидан изчиллик билан давом этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати



## Машхурларнинг аёллари

# “Меҳр қолур, нуҳаббат қолур...”



Суратда: Манзураҳон Ҳайдарова ўғли Ҳожиакбар билан

Шоир Садоийнинг: **Давлатинг борида, авжинг зўрида, Йўқлаб келар ҳатто бегоналар ҳам. Давлатинг йўғида, бахтинг шўрида, Саломинг олмайди девоналар ҳам** – деган сатрларини куйга солиб, ёниб куйловчи соҳир овоз соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳайдаровнинг кўшиқларини мухлисларнинг барчаси бирдек ёқтирар, жон қулоғи билан тинглар эди.

Нуриддин Ҳайдаров Фарғона давлат университети тугатиб, Ўзбек давлат филармониясида яккагон хонанда, Тошкент ҳарбий билим юрти қошидаги ансамблнинг бадий раҳбари, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасида Маънавият маркази директори каби масъулиятли вазифаларда фаолият олиб борган, қалби ҳамиша кўшиққа ошно санъаткор эди.

У 1990 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига эга бўлган бўлса, 1997 йилда “Она замин юлдузлари” фестивали совриндори бўлган, 2001 йилда эса ўзбек санъати ривожига қўшган ҳиссаси муносиб баҳолашиб, Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган. Хонанданинг репертуаридан жой олган “Юлдузим”, “Насибам”, ўзи куй басталаган “Давлатим”, “Дўлана”, “Юр, муҳаббат”, “Айрончи қиз” каби кўлаб кўшиқлари халқ орасида оммалашган бўлиб, санъаткорни бугун ҳам мухлислари ҳурмат билан эслашади, аудиоальбомларидаги кўшиқларини севиб тинглашади.

“Машхурларнинг аёллари” лойиҳасининг бугунги меҳмони халқимизнинг ана шундай ширали ва соҳир овоз соҳиби Нуриддин Ҳайдаровнинг турмуш ўртоғи Манзураҳон ҲАЙДАРОВА билан суҳбатимиз санъаткорнинг оиладаги ўрни, инсонийлик фазилатлари ҳақида бўлди.

ган артист унвонига эга бўлган бўлса, 1997 йилда “Она замин юлдузлари” фестивали совриндори бўлган, 2001 йилда эса ўзбек санъати ривожига қўшган ҳиссаси муносиб баҳолашиб, Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган. Хонанданинг репертуаридан жой олган “Юлдузим”, “Насибам”, ўзи куй басталаган “Давлатим”, “Дўлана”, “Юр, муҳаббат”, “Айрончи қиз” каби кўлаб кўшиқлари халқ орасида оммалашган бўлиб, санъаткорни бугун ҳам мухлислари ҳурмат билан эслашади, аудиоальбомларидаги кўшиқларини севиб тинглашади.

“Машхурларнинг аёллари” лойиҳасининг бугунги меҳмони халқимизнинг ана шундай ширали ва соҳир овоз соҳиби Нуриддин Ҳайдаровнинг турмуш ўртоғи Манзураҳон ҲАЙДАРОВА билан суҳбатимиз санъаткорнинг оиладаги ўрни, инсонийлик фазилатлари ҳақида бўлди.

2023 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Боғланиш учун телефонлар: 91 165-02-66. 97 900-72-15

Обуна индекси – 100



# Битик мақбара пештоқиға қайтарилади?



# ҲАМШИРАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Энг қувонарлиси, тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган ходимларнинг катта қисмини ташкил қилувчи ҳамшираларни ўқитиш, малакаси ва иш ҳақини ошириш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масалаларини ўз ичига олган қарор лойиҳасини тайёрлаш бўйича масъул ташкилотларга топшириқ берилди. Шу ўринда Қонунчилик палатаси депутатлари ва "Адолат" СДП фракцияси аъзолари ҳам масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш соғлиқни сақлаш ходимларининг фаолиятини самарали ташкил этиш бо-

расидаги амалий ишларда муносиб хисса қўшишга тайёр. Маълумки, соғлиқни сақлаш ходимлари "Адолат" социал-демократик партияси электротанининг асосий қисмини ташкил этади. Айни шу соҳа бўйича партия Сайловолди дастурида ҳам бир қатор муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий этиш партия олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Кўп ҳолларда касаллик инсоннинг кам ҳаракатлилиги, тўғри овқат-

ланмаслик, соғлиғига эътибор бермаслиги оқибатида келиб чиқади. Ингилишда бу борада бирламчи тиббиёт пунктлари кенг тушунтириш ишларини олиб бориши зарурлиги, одамларнинг ўз соғлиғига эътиборли бўлишини кучайтириш, скрининг текширувларини мунтазам ўтказиб бориш асосий вазифаларимиздан бири эканлиги кўрсатиб ўтилди. Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилётган хизмат сифати сезиларли даражада ўсди. Буни қуйи бўғиндаги тиббиёт муассасалари фаолиятини ҳам кўришимиз

мумкин. Соғлиқ инсоннинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Уни асраш ва соғлом бўлиб юриши учун ҳар бир инсон соғлом турмуш қоидаларига қатъий амал қилиши лозим. Барча инсонлар соғлом турмуш тарзи ҳисобланган унумли меҳнат, фаол дам олиш, бадантарбия ва спорт билан шуғулланиш, организмни чиққитириш, шахсий гигиенага риоя қилиш, тўғри овқатланиш, зарарли одатлардан ўзини тийиш, ҳар йили шифокор кўригидан ўтиб туриш каби аниқ қоидаларга риоя қилган ҳолда ҳаёт тарзини шакллантириши лозим.

## Депутат назорати

# Ҳар бир мурожаат эътиборда

«Адолат» социал-демократик партиясининг аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш ва адолатли фаровон турмуш тарзини таъминлашга қаратилган серкирра фаолияти эътиборга сазовор. Бу жараёнда нафақат партия фаоллари, балки депутатлик корпуслари вакиллари ҳам дастуриимизда белгиланган вазифаларни амалга ошириш масаласига масъулият билан ёндашиб келмоқда.

Ана шундай эзгу ниятлар билан сайловчиларнинг хоҳиш-истаги ҳамда тақлиф ва мурожаатларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Зухра Ибрагимова Эллиқалъа туманида бўлди. З.Ибрагимова раҳбарлигида партия етакчилари, туман Кенгаши депутатлари ҳамда Эллиқалъа тумани ҳокимлиги масъул ходимлари иштирокида ишчи гуруҳ тузилиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказилди. Дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари тумандаги 61-сонли умумтаълим мактабининг ўқувчи ёшлари билан учрашиб, самимий суҳбат ўтказди. Суҳбат давомида Зухра Ибрагимова мамлакатимизда ёшлар масаласи ҳар доим давлат сиёсати даражасидаги муҳим масала бўлиб келаётганини, айниқса, сўнгги йилларда ёш йигит-қизларимиз учун кенг кўламли имконият ва шарт-шароитлар яратилаётганини бора-сида тушунчалар берди. Учрашувда нафақат эришилган ютуқлар ва амалий ишлар тилга олинди, балки камчиликлар, фойдаланилмаган қолган имкониятларга ҳам тўхталиниб, мазкур масалалар юзасидан депутатга мурожаатлар ҳам бўлди.



Мазкур лойиҳа доирасида Зухра Ибрагимова Эллиқалъа туманидаги «Навоий» овул фуқаролар айлари билан биргаликда сояли ва ҳушманзарра қўчат навларини экишда қатнашди. Ташаббус туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Олджашева ва ҳудуддаги фаол аёллар ҳамда "Оқила аёллар ҳаракати" аъзолари иштирокида амалга оширилди. Тадбир давомида депутат онахонлар билан суҳбат ўтказиб, бугунги хайрли ишлар кун келиб ўзининг амалий натижасини беришига ҳамда маҳалланинг ободлиги ва кўркемлигини таъминлашга ишонч билдирди. Шундан сўнг З.Ибрагимова тумандаги «Навоий» ОФЙ ҳудудидagi тикувчилик цехида бўлиб, тадбиркорлик субъекти билан яқиндан танишди. Тадбиркор Зеваржон Жуманиязова меҳмонларни тўқимачилик маҳсулотларининг тайёрланиш жараёни ва ишчиларнинг меҳнат фаолияти билан таништирди. Шунингдек, депутат ўз ташрифи давомида Эллиқалъа туманидаги 43-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлди. Учрашув давомида бўлажак чемпионлар мактабида тарбияланувчи ёшлар ва уларнинг мураббийлари билан суҳбат ўтказиб, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Учрашув якунида Зухра Ибрагимова ҳам ёш спортчиларнинг келгуси фаолиятига зафарлар тилаб, фидокорона меҳнат қилаётган устоз ва мураббийларга ташаккур билдирди.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоевнинг хонкалик сайловчилар билан юзма-юз мулоқоти самарали кечди.



М.Қурбонбоев тегишли ташкилот вакиллари билан биргаликда тумандаги "Катта куч" маҳалласида жойлашган 21-сонли умумтаълим мактабида яратилган шарт-шароитлар, киши масъулига тайёрларлик, бошланғич синфларга берилган бепул озиқ-овқатлар ҳамда дарсликлар билан таъминланганлик даражаси билан танишди. Бу жараёнда мактабда лаборант вазифасида 30 йилдан буён ишлаб келаётган Барно Бобожанованинг нафақага чиқишида ёрдам сўраб қилган мурожаати эътиборга олинди ва депутатнинг туман пенсия жамғармасига қилган озаки мурожаати қаноатлантирилди. Маҳалла раиси Шухрат Матякубовнинг маҳаллада дорихона йўқлиги боис фуқаролар дори-дармон сотиб олиш учун узоқ масофага бораётгани тўғрисидаги мурожаати ҳам депутатнинг кўрсатмасига асосан туман ҳокимлиги томонидан эътиборга олинди ва бу масалани ҳал этиш чоралари бош-лаб юборилди. Депутат етакчилигидаги фаолларнинг очик мулоқотлари "Нуробод" маҳалласида давом этди. Маҳалла ҳудудида жойлашган 12-сон умумтаълим мактаби ўқитувчилари билан учрашув ташкил этилди. Унда мактаб директори Жумабой Қурбонбоев мактаб атрофини темир панжара билан ўрашда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати туман ҳокимлиги ва туман болиқ бўлими вакилларининг эътибори қаратилди. Муаммо тез кунда ижобий ечимини топадиган бўлди. Шу маҳалла аҳолисининг баён этишича, маҳалла ҳудудида жойлашган "Нур Хайдар бобо" қабристонини ёнидан тунги ва кунги қўриқчи қўриқчилар йўқлиги сабаб тез-тез муаммолар содир бўлмоқда. Депутат жойини ўзига бориб муаммони ўрганди ва уни ҳал этиш юзасидан туман ҳокимлигига мурожаат этди. Тез кунда тунги қўриқлар ўрнатиладиган бўлди. Мурожаатчи Атабой Машарипов 1980 йилда қурилган, ҳозирда ўзи яшаб турган уйини қадаст қилишда муаммоларга дуч келаётганини билдириб, амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ҳам эътиборга олинди ва муаммони бартараф этиш чоралари кўрилди. Очик мулоқотлар аниқланган муаммоларнинг ечимини топаётгани билан аҳамиятли бўлмоқда. Учрашувлар давомида депутат томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида фикр ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

# Битик мақбара пештоқига қайтариладими?

Жорий йилнинг 27-30 октябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қодир Жўраевнинг 31-Вобкент сайлов округидаги учрашувлари давомида сайловчилар Вобкент туманидаги "Хайрбод" МФЙ ҳудудида жойлашган Чашмаи Айюб мақбараси пештоқидан бир вақтлар ўғирлаб кетилган ва кейинчалик хориждан Ватанимизга қайтарилган қосинини ўз жойига қайтаришни сўраб мурожаат қилдилар. Сайловчиларнинг фикрича, мазкур қосин Пайғамбаримиз Мухаммад С.А.В га тегишли ҳадиси шарифнинг муҳим бўлаги ҳисобланади ва унинг ўз жойига қайтарилиши ушбу битикнинг яхлитлигини тиклайди.

Вобкентдаги Чашмаи Айюб мақбараси мамлакатимизда рўйхатга олинган 8 210 та моддий маданий мерос объектларидан бири ҳисобланади. Мақбара XIII асрга оид меъморий обида бўлиб, асрлар давомида қанчадан-қанча ур-йиқит ва талотўп-тонинг бошдан кечирган. Айниқса, мустабид шўро даврида буткул унутилиб, қаровисиз қолдирилганлиги сабабли жуда аянчли аҳволга келиб қолган. Ҳозирда ёдгорликнинг фақат портал қисми ҳамда унга туташ деворнинг бир бўлаги бизгача етиб келган, холос. Чашмаи Айюб мақбараси ўз меъморий ечимига кўра, ноёб кўринишга эга. У юксак маҳорат ва дид билан барпо этилган. Ушбу ноёб ёдгорлик ўз ҳашамати билан юксак меъморчилик зийнатини ўзида муҳассама этган. Мақбара ўзидан кейинги давр меъморчилиги ривожига учун, хусусан, Темирийлар даврида барпо этилган маҳобатли обидалар учун прототип вазифасини ўтаган. Афсуски, 2011 йилда ушбу ёдгорлик пештоқидagi арабча ёзувининг бир парчаси нопок кимсалар томонидан ўғирланиб, чет элга сотилган ва фақат 2017 йилдагина мамлакатимизга қайтарилган эди. Ушбу ўғирлик ҳақида ўз вақтида "Жаҳон" ахборот агентлиги, "Адолат" газетаси, <http://advokatnews.uz/xabar/612.html> сайтида хабар берилган бўлиб, унда ўғирланган қосин Германия Федератив Республикаси орқали Буюк Британиянинг "MyFair" галереясида сотувга қўйилгани; қосини мутахассислар тўғрисида қўлиб, бу ҳақда жамоатчиликка хабар бергани; шундан сўнг қосини ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси ҳамда Британия музейининг амалий ҳамкорлиги тўғрисида Ватанимизга қайтарилгани; ўғирлар ушланиб, одил судловга тортилгани ва қилмишига яраша жазо олгани ҳақида маълум қилинган. Ватанимизга қайтарилган "жаҳонгашта" қосини ўзанда вақтинчалик сақлаш учун Ўзбекистон давлат санъат музейига топширилган ва тез орада ўз жойига, яъни Чашмаи Айюб мақбарасига қайтарилиши маълум қилинган эди. Бироқ орадан 5 йил ўтди ҳамки қосин ҳали-ҳануз ўз жойига қайтарилмаган. Вобкентлик сайловчиларнинг мурожаатидан келиб чиққан ҳолда ноёб қосинини ўз жойига қайтариш, шунингдек, Чашмаи Айюб ёдгорлигининг техник ҳолатини чуқур ўрганиш асосида уни реставрация ва консервация қилишнинг алоҳида режасини ишлаб чиқиш бўйича мутасадди идораларга депутат сўрови киритилди. Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Партия фаоли сифатида йиғилишни диққат билан кузатдим. Президентимиз эътиборидан ҳеч бир соҳа четда қолмади.

# Имкониятлар кўлами кенг

Муносабат

Руиддин РАУПОВ, Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати



Соҳалар кесимида оладиган бўлса, энг аввало, давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятида бешта йўналишда – тадбиркорлик, саноат, аграр, ичимлик суви таъминоти, ижтимоий соҳада эришилган лозим бўлган мақсад ва вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, воҳамизда ишбилармонлик, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш орқали 2023 йилда 207 мингта иш ўрни яратилиши белгиланган. Масалан, биргина саноат тармоқларида 960 та лойиҳани амалга ошириб, 20 минг нафар аҳолини муқим иш билан таъминлаш мумкин. Шунингдек, 22 та нуруда қонни ўзлаштириб, вилоятда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш имкони бор. Бундан ташқари, Президентимиз кўрсатмаларига асосан пахтани чуқур қайта ишлаш даражасини 32 фоиздан 56 фоизга чиқариш ҳисобида кластерлар томонидан 2 триллион сўмлик 12 та лойиҳани яқунлаш назарда тутилмоқда. Қашқадарё ер ости ва ер усти бойликлари жиҳатидан республикада етакчи ўринни эгаллайди. Шу тўғрисида ҳам кимё, нефть-газ, энергетика тизимидаги йирик корхоналар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиб, 65 та маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга ошириш зарур. Қишлоқ ҳўжалигида 10 минг гектардан ортиқ пахта ва ғалла майдонини қисқартириш ҳисобида 32 минг оила бандлигини таъминлаш имконияти мавжуд. Воҳамизда марказлашган тоза ичимлик суви таъминоти келгуси йилда 60 фоизга етакзилади. Шаҳрисабзнинг Мираки, Сувтушар ва Сарчашма, Китобнинг Қайнар ва Башир, Қамашидagi Бештерак ва Миришқордаги Жейнов қишлоқларида туризмин ривожлантириш юзасидан вазифалар белгиланди. Муборак, Нишон, Фузур ва Миришқор туманларида сотилмасдан турган 82 та давлат мулки нархини 50 фоизга камайтириб, савдога чиқариш чоралари қуриляпти. Шаҳрисабз шаҳридаги бўш турган мулклар негизда кичик саноат зоналари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, "Рубикон Воте" технологияси асосида Қашқадарёда сўғриш тизимини яхшилаш лойиҳасини кенгайтириш масаласини ишлаб чиқиш устида ишлар бошлаб юборилди. 2023 йил 1 июлга қадар Фузур – Бухоро – Нукус – Бейнау йўлининг 100 километр қисмини таъмирлаш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, йил якунига қадар Самарқанддан Шаҳрисабзга ўтувчи 30 километр йўлни таъмирлаш чоралари қуриляпти. Президентимиз эътиборидан ижтимоий соҳа ҳам четда қолмади. Виловтимиз шаҳар ва қишлоқларида 13 та боғчини қайта қуриш ҳамда 14 та маҳаллада янги боғча қуриш лойиҳасини 2023 йил инвестиция дастурига киритиш зарурлиги таъкидланди. Биргина жорий йил якунига қадар 189 та оилавий боғча ташкил этишга 4,5 миллиард сўм, 2023 йилда 380 та боғча ташкил этишга 52 миллиард сўм субсидия ажратиш белгиланди. Маълумки, хотин-қизлар соғлом бўлса, миллат келажаги бардавом бўлади. Ингилишда бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бир ой мuddатда "Она ва бола тиббиёт маркази"ни жиҳозлаш бўйича лойиҳани тайёрлаш лозимлиги ўқитрилди. Келажакда вилоятимиз маркази Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, Косон, Нишон ва Чироқчида қўшимча 550 ўринли тўғруқ комплекслари бунёд этилади. Китоб ва Қарши туманларида эса "Янги Ўзбекистон" массивлари ташкил этилади. Президентимиз томонидан таълим тизимини замон талаби асосида ташкил этиш борасида ҳам аниқ топшириқлар берилди. Бир ой мuddатда 48 та мактабни танлаб олиб, келгуси ўқув йилидан Финляндия таълим тизимини жорий этиш вазифалари белгиланди. Умуман олганда, Президентимиз томонидан Қашқадарё вилоятини янада ривожлантириш юзасидан илгари суртилган барча масалалар долзарб. Барча вазифалар эл-юрт тараққийтини таъминлашга қаратилган.

## Фракция йиғилиши

# 10 йилда 2 мингдан ортиқ тиббиёт жиҳозлари берилган

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб "Давлат молиявий назорати тизими ҳамда беғараз ёрдам доирасида келтирилган тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси айрим нормаларига ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, кодекснинг 64-моддаси билан Ўзбекистон Республикасига беғараз ёрдам доирасида берилган тиббий асбоб-ускуналардан пуллик хизмат кўрсатишда фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси айрим нормаларига ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, кодекснинг 64-моддаси билан Ўзбекистон Республикасига беғараз ёрдам доирасида берилган тиббий асбоб-ускуналардан пуллик хизмат кўрсатишда фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Йиғилишда қайд этилганидек, сўнгги ўн йилда давлат даволаш профилактика тиббиёт муассасаларида 539 турдаги 2 153 донга тиббиёт жиҳозлари ва ускуналари беғараз ёрдам сифатида берилган. Шундан 523 турдаги 2 121 донаси сўз ҳолатда ва 16 турдаги 32 донаси носоз ҳолатда сақланмоқда. Амалиётдаги қонун нормаларига кўра Ўзбекистон Республикасига беғараз ёрдам доирасида берилган тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш имконияти фақатгина давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатиладиган шахслардагина мавжуд. Муҳокамалар давомида ҳар иккала қонун лойиҳаси бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тақлифлар билдирилди. Кўплаб саволлар ўртага ташланди. Қизгин муҳокамалардан кейин қонун лойиҳалари депутатлар томонидан маъқулланди.

# КОНСТИТУЦИЯ ёш мусаввирлар нигоҳида

“Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган “Конституция ранглар жилосида” расмлар кўрик-танловининг Андижон шаҳар босқичи ўзига хос ижодий байрамга айланди.



Шаҳар марказидаги Регистон майдонида йиғилган 50 нафар ижодкор йигит-қизлар ижодий ишлари билан ҳар бири ўзига хос услубда Конституциямизга бўлган ҳурмати ифода этди.

– Танловда иштирок этиши истағидаги ёш rassomлар билан бирга 200 нафардан ортиқ қизиқувчилар ҳам ижод майдонида жамланди, – деди “Адолат” СДП Андижон шаҳар кенгаши раиси ўткирбек Арзиқулов. – Конституциямизни ёшлар қанчалар эҳтиром қилиши, унга бўлган ҳурмати тадбир давомида ўз ифодасини топи. Бундан бир хулосага келиш мумкин: Бош қомусимиз чин маънода бизнинг фахримиз.

Энг сара ижодий ишлар танлаб олинди, вилоят босқичига тавсия этилди.

“Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси билан ўтказилаётган “Конституция ранглар жилосида” расмлар кўрик-танлови Хоразм вилоятидаги чекка-чекка ҳудудларда ҳам ташкил этилмоқда.

– Болалигимдан расм чизишни жуда яхши кўраман, – дейди Боғот туманидаги 18-сон умумтаълим мактаби ўқувчиси, танлов иштирокчиси Ойдини Саъдуллаева. – Турли мавзулар бўйича тасаввуримдаги шаклни ранглар билан безашдан завқ оламан. Мактабимизда “Конституция ранглар жилосида” номли кўрик-танлов эълон қилинганда, тендошларим қатори хурсанд бўлдим. Зимманда катта масъулият билан Бош қомусимизнинг 50-моддасини ранглар жилосига кўчирдим. Табиати жуда севаман. Шу боис уни асрашга расмлик қобилиятим билан муносиб ҳисса қўлишни мақсад қилдим. Танлов ўз устимда кўпроқ ишлашимга туртки бўлди.

Бир сўз билан айтганда, кўрик-танлов ёшларнинг қобилият ва истеъдолларини тўла намоян этиши учун имконият яратилиши билан бир қаторда, улар онгида ватанпарварлик туйғуларини ҳамда Бош қомусимизга бўлган меҳрини оширишга, тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш каби гўзал фазилатларни мустақамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатига кўрик-танловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишга бағишланган тадбир ташкил этилди.

Тадбирда партия Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати вакиллари, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Жиззах вилоят бўлими, Жиззах вилоят маданият бошқармаси ҳамда партиянинг вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, ижодкор ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан партия Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати Мафқуравий ишлар бошқармаси бошлиғи Фазлиддин Зияев томонидан сўнги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида

амалга оширилаётган ислохотлар бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга босқичма-босқич киритган ҳолда изчил ва тизимли



равишда амалга ошириб келинаётганлиги, бу эса, ўз навбатида, Бош қомусимизда ҳам ўз аксини топаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, давра суҳбатида сўз олган тадбир иштирокчилари томонидан янгилиб бораётган мамлакатимизга ҳамоҳанг тарзда Асосий қонунига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни фуқароларимиз, хусусан, ёшларимиз онгига чуқурроқ синдириш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлиги алоҳида таъкидланди.


Тадбир давомида ўқувчи ёшлар томонидан Конституциямизнинг ҳар бир моддасига бағишланган расмлар чизилди. Чизилган расмларда ёшларнинг Бош қомусимиздан қай даражада хабардорлиги, уларнинг дунёқараши, Ватанга бўлган меҳри ва келажакка умид кўзи билан қараб вояга етаётганликлари ўз ифодасини топди.

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 7-сонли Болалар мусика ва санъат мактабига “Адолат” СДП масъул ходимлари, партия Тошкент вилояти кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Фармон Аллаев ҳамда Тошкент вилояти маданият бошқармаси бўлим бошлиғи Дониёр Минжигитов истеъдодли ёшлар билан учрашди.

Тадбирда сўз олган “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши масъул ходимлари танловнинг асосий мақсади ёшлар онгига мустақиллик туғфа этган азиз неъмат – Ватанимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, фаровонлигининг қадрига етиш, ўзликка қайтиш ва уни аниқлаш, инсон манфаатлари устувор бўлган эркин демократик жамият қуриш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш, улғу аждодларимизнинг бебаҳо маънавий мероси қадрига етиш эканлигини айтиб ўтишди. Шунингдек, Бош қомусимиз “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш”нинг мустақам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилишини болалар ижодида акс эттириш, ёшларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоян этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун бекиёс имкониятлар яратганини қадрлаш ҳиссини уйғотиши ҳақида фикр билдиришди.

Қизгин баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтган очиқ мулоқот давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

Навоий вилоятидаги Маънавият ва маърифат марказида “Адолат” социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан эълон қилинган “Конституция ранглар жилосида” мавзусида истеъдодли ёшлар ўртасида расмлар кўрик-танлови ўтказилди.



Тадбирда сўз олган “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши бош мутахассиси Шаҳноза Мардиева кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар тўғрисида йиғилганларга батафсил

маълумот берди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил ва тизимли равишда амалга ошириб келинаётганлиги, буларнинг барчаси Бош қомусимизда ўз аксини топаётганлигини таъкидлади.

Тадбир давомида ўқувчи ёшлар томонидан Конституциямизнинг ҳар бир моддасига бағишланган расмлар чизилиб, комиссия аъзоларига тақдим этилди. Расмларда ёшларнинг Асосий қонунидан қай даражада хабардорлиги, уларнинг дунёқараши, Ватанга бўлган меҳри ўз ифодасини топди.

Танлов якунлари бўйича муносиб иштирок этган ёшлар ташкилотлар томонидан эсдалик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.



## Адлия органларида

Аҳоли онгига коррупцияга тоқатсизлик мухитини яратишда тарғибот тадбирлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда Хоразм вилоят адлия бошқармаси ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида коррупцияга қарши курашиш мавзуси бўйича 1000 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларда 3000 дан ортиқ материаллар тарқатилди.

# Коррупцияга қарши кураш шаффофликни талаб қилади



**Нодир ЖУМАНИЁЗОВ,**  
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этишда инновацион усуллардан кенг фойдаланган ҳолда олис ва узоқ маҳалларга кириб борилиб, волонтерлар билан биргаликда 50 га яқин “Хуқуқий автобус” лойиҳаси, шунингдек, бир қатор ҳуқуқий акциялар ташкил этилди.

Халқ таълими бошқармаси ва таълим муассасалари билан биргаликда ёшлар ўртасида “Мен коррупцияга қаршиман” ва “Коррупция ва жамият” мавзуларида иншоолар танлови, 100 га яқин “Street Law” лойиҳаси ўтказилди.

Хуқуқий ахборотни тарқатишда ижтимоий реклама усулидан фойдаланган ҳолда “Коррупция – бу мен” номли қисқа метражли фильм ҳамда “Коррупция – тараққиёт қушандаси”, “Коррупция – ёш авлоднинг давлатга ва Ватанга бўлган ишончини сўндиради” номли видеороликлар тайёрлиниб, кенг аҳолига ҳамда давлат органлари ва ташкилотларига тарқатилди.

Тарғибот тадбирларини кучайтириш мақсадида вилоятдаги 20 дан ортиқ ташкилотлар, нотариуслар ва адвокатлар билан ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш юзасидан медиа резалар тасдиқланиб, амалга ошириб келинмоқда.

Адлия органлари фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш юзасидан оммавий ахборот воситалари, журналист ва блогерлар ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида 2022 йилнинг ўтган даврида 15 мартаба (2021 йил давомида 8 мартаба) очиқ мулоқот ва пресс-турлар ташкил этилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида 28 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, натижада 64 та ҳолатда коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган нормалар аниқланиб, уларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигига киритилди.

Вазирлар Мақамасининг 2021 йил 22 июндаги 390-сон қарорига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарор ва фармойишлари “Е-Qaqoq” электрон тизими орқали расмийлаштирилиши йўлга қўйилди.

Хоразм вилоятида бугунги кунга қадар “Е-Qaqoq” электрон тизими орқали 18 403 та ҳужжат, шундан 11 388 та ҳоким қарори, 3 629 та ҳоким фармойиши ҳамда 3 386 та Кенгаш қарори қабул қилинган.

Адлия органларида жорий йилнинг ўтган даврида жами 155 та маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив тусдаги қарорлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун келиб тушган бўлиб, уларнинг 87 таси қонунчиликка мувофиқлиги сабабли ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, 68 таси эса белгиланган талабларга риоя қилинмай тақдим қилинганлиги сабабли қайтарилган.

Экспертизадан қайтарилишига сабаб бўлаётган омиллар, ҳокимликларнинг юридик хизмати томонидан қарорлар лойиҳаси қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан (коррупциявий омиллар мавжуд эмаслиги юзасидан) ўтказилмасдан, фақат номига хулосани бериш билан чекланилмоқда. Шу билан бирга, қарор лойиҳасини тегишли манфаатдор ташкилотлар билан келишилмаслик ва жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши талабига риоя қилинмаслик каби ҳолатлар ҳам мавжуд.

Бугунги кунга қадар ер муносабатларига доир жами 123 та қарор экспертизадан ўтказилиб, шундан, 32 та (26,0 %) қарор қонунчиликка номувофиқлиги ва зарурий ҳужжатлар илова қилинмаганлиги сабабли рад этилган, 26 та (21,0 %) қарор эътирозлар билан келишилиб, 65 та (52,0 %) қарорни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ижобий хулоса берилган.

Рад этилишининг сабабларини ер участкасини захирага қайтариш тўғрисидаги қарор лойиҳаларида захирага қайтариш тўғрисидаги аризалар мавжуд эмаслиги, аризалар бўйича қарор лойиҳалари оранд 2-4 ойгача вақт ўтгандан кейин киритилиши, аризалардаги контурлар ва гектарлар қарор лойиҳасига мос келмаслиги, ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарор лойиҳасида ажратилаётган субъект давлат органи, ташкилоти ёки муассасаси ҳисобланмаслиги, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш қонунчилик талабига кўра судда кўриб чиқилиши белгиланган ҳолатларда ҳам қарор лойиҳасини киритишда кўриш мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарор ва фармойишлари қонунчилиги “Е-Қарор” электрон тизими орқали қилинган мониторинглар жараёнларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлар қабул қилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф қилиш ва келгусида йўл қўймаслик мақсадида жами 113 та таъсир чоралари қўлланилиб, судларга 10 та ариза киритилди.

Киритилган таъсир чоралари натижасида 95 та қарор бекор қилиниб (қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилиб), 14 нафар ходимнинг интизомий жавобгарлиги ҳал этилган.

Мазкур танлов республикамизнинг барча вилоятларида кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Вилоят кенгашлари матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.

Партия назорати

Халқимиз соғлиғини сақлаш, соғлом турмуш кечиршига эришиш юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Рустам ҲАМРАЕВ,  
Сурхондарё вилоят кенгаши раиси

ЎЗИ ЕМАС,  
БИРОВГА ҲАМ  
БЕРМАСЛАР

Айни кунларда «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан партия вилоят кенгаши вакиллари ва Термиз туман Кенгаши депутатлари ҳамда ихтисослаштирилган марказлар раҳбарлари, шифокор-мутахассислардан таркиб топган ишчи гуруҳи Термиз туманида аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг қаррлар таъминотини яхшилаш, санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Хусусан, партия вилоят кенгаши ва Термиз туман кенгаши ходимлари, депутатлар ва масъуллардан таркиб топган ишчи гуруҳи томонидан ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар, кичик ва ўсимир ёшидаги болаларга бепул дори воситалари етказиб бериш бўйича жойларда аҳвол қандайлигини ўрганиш мақсадида «Соғлом оила – соғлом жамият – порлоқ келажак» лойиҳаси доирасида «Она ва бола соғлиғига эътибор – жамиятга, келажакка эътибор» ширини остида Термиз туманидаги 70-, 71-сонли оилавий поликлиникалар ва тумандаги ат-Термизий номидаги оилавий шифокор пункти ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг «Янгиариқ» бўлими фаолияти ўрганилди.

Ўрганишлар жараёнида аҳоли ҳамда беморлар билан юзма-юз мулоқот қилинди. Эътиборлиси, масалаларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилди. Аниқланган камчилик ва муаммоларга халқ вакиллари, соҳа мутаассадлари ҳамда масалалга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ечим изланди.

Асосий эътибор мазкур тиббиёт муассасалари моддий-техник базасининг ҳолати, асбоб-ускуналар билан таъминланганлик даражаси ва улардан самарали фойдаланиш, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларнинг махсус препаратлар билан таъминланишига қаратилди, шунингдек, туманда касалланиш кўрсаткичлари таҳлилдан ўтказилди.

Аниқланишича, марказда жорий йил давомида таъмирталаб тиббий асбоб-ускуналар учун маблағ ажратилса-да, тиббий аппаратлар таъмирланиш даражаси қониқарли даражада эмас. Марказ лаборатория бўлимининг беморларга хизмат кўрсатиш учун барча реактивлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминланиши ҳам қониқарли эмаслиги маълум бўлди. Тиббиёт муассасаларида мавжуд тиббий аппаратларнинг айримлари стандарт қислов кўригидан ўтказилган, баъзилари ўтказилмаган.

Ўрганишлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг айрим бандлари тўлиқ бажарилмаётганлиги аниқланди. Хусусан, қарорга кўра, аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича 2021 йил 1 июндан бошлаб 6-23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукуни билан, 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар «А» витамини билан, 2-10 ёшдаги болалар гелиминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан бепул таъминланиши, 2022 йил 1 июндан бошлаб эса ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги болалар йод препарати билан, 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар фоллий кислотаси препарати билан бепул таъминланиши белгиланган. Бироқ 6 ойликдан 5 ёшгача

бўлган болалар учун «А» витамини ва 2-10 ёшли болаларнинг гелиминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар мазкур поликлиникаларга келтирилмаган. 70-, 71-сонли поликлиникаларда 2021 йил ҳолатига «Антиструмент» препарати 300 та келтирилган ва 2022 йилда 150 доза қолдиқ бўлган. Бу дори воситаси 15 ёшгача бўлган болаларга ва ҳомиладор аёлларга берилиши зарур бўлса-да, туғиш ёшидаги аёллар сони 3635 нафарни ташкил қилгани ҳолда фақатгина «Темир дафтар»га киритилган аёллар ва ёшларга берилган. Натижада туғиш ёшидаги аёлларга белгиланган дориларнинг тарқатилиш даражаси 70 фоизни ва 15 ёшгача бўлган болаларга тарқатилиш даражаси 30 фоизни ташкил қилган, ҳолос. Шунингдек, таркибиде фоллий кислотаси бўлган «Ферфолас» препарати 35 ўрам келтирилган бўлса, шундан 21 ўрама тарқатилган, ҳолос. Яна бир дори, витаминлардан иборат «Иронет» препаратининг 15 ўрамидан бор-йўғи 8 ўрама тарқатилганлиги аниқланди.

Тумандаги ат-Термизий оилавий шифокор пункти ва кўп тармоқли марказий поликлиника Янгиариқ бўлимида ўрганишлар ҳолатида ҳам мазкур қарорнинг 1-банди бузилиши ҳолатлари аниқланди. Яъни, мазкур поликлиникаларга ҳам олти ойликдан беш ёшгача бўлган болалар учун «А» витамини ҳамда 2-10 ёшли болалар учун гелиминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар келтирилмаганлиги маълум бўлди. «Антиструмент» препарати жорий йилда 119 ўрам келган бўлса, ушбу дори воситасининг 15 ёшгача бўлган болаларга ва ҳомиладор аёллар ва фертел ёшдаги аёлларга бор-йўғи 49 ўрама тарқатилиб, қолган 70 ўрама тарқатилмаган. Тарқатилганлари ҳам «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «Темир даф-

тар»га киритилганларга берилган. Ваҳоланки, туманда ҳозирги вақтда ҳомиладор аёллар сони 649 нафар, 3-15 ёшгача бўлган болалар сони 2742 нафарни ташкил этади. Туман кўп тармоқли марказий поликлиника «Янгиариқ» бўлимига «Антиструмент» препарати ўтган 2021 йил окрида 100 та ўрамда келтирилган бўлса-да, ушбу дори воситалари поликлиника бош шифокорининг эътиборсизлиги натижасида 16-17 ёшдаги қизларга тарқатилиб келингани аниқланди. Ваҳоланки, ушбу дори воситалари ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги болаларга тарқатилиши керак эди.

Шунингдек, ат-Термизий оилавий поликлиникасида туғиш ёшидаги аёллар учун зарур бўлган «Ферфолас» препарати 25 ўрам (ҳар бир ўрамда 30 дона) келтирилган бўлиб, шундан бор-йўғи 9 ўрама тарқатилганлиги, «Иронет» препаратининг эса 9 ўрамидан (ҳар бирида 5 дона) 6 ўрама тарқатилганлиги аниқланди. «Янгиариқ» бўлимида эса жорий йилда келтирилган «Ферфолас» препаратининг 35 ўрамидан атиги олти ўрама тарқатилганлиги маълум бўлди. Мазкур поликлиникада «Иронет» 20 ўрамдан келтирилган бўлиб, ундан ҳам бор-йўғи беш ўрама тарқатилган.

Шуни айтсалар керак-да, ўзи эмас, бировга ҳам бермас, деб. Ё бу препаратлар бошқа мақсадлар учун олиб қўйилганми?..

Аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш мақсадида муайян муддатли, масъул ижрочилари ва молиявий манбаси белгиланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда халқ депутатлари Термиз туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида таҳлилий-танқидий муҳокама этилиши режалаштирилди.

Миннатдорлик

“Товоқсой”га бир келинг

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги “Товоқсой” сихатгоҳи кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларимизнинг энг сеvimли масканларидан бири. “Товоқсой” санаторияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар кенгашининг 1985 йил 14 июндаги қарорига асосан 1986 йил 1 январда ташкил қилинган. Санатория илгор, замонавий тиббий анжом ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Соғломлаштириш масканида – физיותרания, ЛФК, электромассажа, гидротерапия, паррафин, фитобар, умуртка поғонасини тракцион ва механик усулда тортиш, лаборатория, стоматология, УЗИ, ЭКГ, дори тарқатиш ва муолажа хоналари мавжуд. Даволаниш учун келган фуқароларга 15 нафар шифокор, шундан 3 нафари олий тоифали, 48 нафар ҳамширалар тиббий хизмат кўрсатмоқдалар.

Даврон АҲМАД

Юртимизнинг барча вилоятларидан келган нуруний отахон, муноси онахон, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари уларга тиббий хизмат кўрсатаётган юқори малакали шифокорлар — кардиолог Маҳсум Филомова, невропатолог Усмон Қодиров, терапевт Мурод Рихсиев, ҳамширалар Гавҳар Қурбонова, Эльвина Баҳодировадан миннатдор.

– Санаториямиз юқори нафас йўллари касалликлари, асаб ва таянч-ҳаракат тизими касалликларини даволашга мўлжалланган бўлиб, юрак қон томirlлари ва суяк бўғинлари хасталикларига чалинган қарияларнинг бериўла 480 нафари муолажа олади, – дейди сихатгоҳ раҳбари, олий тоифали шифокор Абдурашид Носиров.

– Ўзбекистондаги кўпгина дам олиш уйлари, сихатгоҳларда бўлганман. “Товоқсой” сихатгоҳи ўзига хос экан. У денгиз сатҳидан 1 мине 200 метр баландликда жойлашган бўлиб, эсаётган майин шабаданнинг ўзи бир даво. 6 гектар боғида олма, олча, анжир, хурмо, олхўри, беҳи, узумнинг бир неча хили пишиб ётибди. Дарраҳдан узиб еганга нима етсин. Ҳар корпусда шашка, шахмат, стол тенниси мавжуд бўлиб, даволанувчилар ўртасида мусобақалар ташкил этилмоқда, – дейди самарқандлик отахон Феруз Усмонов.

– Шифокор Нурали Асадов барча муолажаларни ўз вақтида, ниҳоятда малакали бажармоқда. Боз устига ширинсўзливини айтмайсизми. Ҳамшира қизимиз Лобар Интарованинг отасига мине раҳмат, – дейди қашқадарёлик отахон Тўхтамурод Қодиров.



Суратда: терапевт шифокор Гулчеҳра Сайфуллаева онахонлар даврасида.

Ҳуқуқингизни биласизми?

– Қандай ҳолатлар никоҳ тузилишига монелик қилувчи ҳолатлар ҳисобланади?

С.Матёкубова,  
Тошкент шаҳри

- Оила кодексининг 16-моддасига кўра, никоҳ тузишга қуйидаги ҳолатларда:
- никоҳланувчилардан бири бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;
- насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғиш ва ўғай ака-укалар билан опа-синиеллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;
- лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касалливи ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

Саволга Богот тумани ФХДЎ бўлими мудири вазифасини бажарувчи Доноҳон САПАЕВА жавоб берди

Муносабат

ШИФОКОР — КЎНГИЛЛАРГА МАЛҲАМ, ДАРДЛАРГА ШИФО БЕРУВЧИ ИНСОН

Малоҳатхон МУСАЕВА,  
Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари



Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бундан кўзланган мақсад – шифокорларнинг ўз касбига бўлган меҳри ва малакасини ошириш баробарида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилашдир.

Шу ўринда бир оғриқли нуқтадан кўз юмиш қийин. Юқоридагиларга зид равишда айрим ҳолларда шифокорларга нотўғри муносабатда бўлиш ҳолатлари кузатилмоқда. Улар фаолиятига тўсқинлик қилиш, кўпол муносабатда бўлишни қандай баҳолаш мумкин, ахир?

Бу муаммоли масала муҳокамаларга сабаб бўлаётгани бежиз эмас. Соҳа ходимлари фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган вақти келди. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

Айни пайтда соҳа ходимлари фаолияти билан боғлиқ бошқа бир қатор масалалар ҳам доимий назоратда бўлиши фақат халқимиз саломатлиги яхшиланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдик. Тўғри, уларни ободонлаштириш ва қишлоқ ҳўжалик ишларига жалб қилишга чек қўйилди. Энди ҳар бир ҳудуддаги шифокорнинг ўзи масъул бўлган ҳудудда ишлашига имконият яратиб бериш лозим. Шунингдек, оилавий шифокор тушунчаси ҳам баландпарвоз гап бўлиб қолмай, амалда бўлсин.

Қонун лойиҳаси билан танишиш асосида мени мамнун қилган жиҳат шу бўлдики, бу ерда гап фақат жисмоний тажовуз, тан жароҳати ҳақидагина эмас, тиббиёт ходимларининг тиббий фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳақида ҳам бораяпти. Мисол учун, энди илгаридегидек маҳаллий ҳокимликлардаги масъулларнинг тиббиёт ходимларига ўз хизмат вазифасига кирмайдиغان вазифаларни юқлаши чекланади.

Яшириб нима қилдик, аҳолининг тиббий маданияти ҳали тўла шаклланмаган. Бу ҳам шифокорларнинг масъулиятини оширади. Бунинг учун жамоатчилик билан кўпроқ ишлаш, ўртадаги муносабатда мустаҳкам бўлиши лозим.

Шубҳасиз, қонунчиликдаги ўзгариш бундан буён саломатлик посбонлари қонун ҳимоясида бўлишини таъминлаши билан биз учун аҳамиятли.

Афсуски, 2019-2022 йиллар давомида Ўзбекистонда 290 га яқин ҳолатда тиббиёт ходимларига нисбатан турли шаклда тажовуз қилинган

Шифокорлик инсон тақдирини билан боғлиқ ўта масъулиятли ва шарафли касб ҳисобланади. Дарҳақиқат, шифокор – кўнгиллارга маҳам, дардларга шифо берувчи инсон. Шифокор ҳаммаша эл орасида. Шифокор қай вазиятда бўлмаса, беморларга қўмақ беради. Шунинг учун ҳам халқимиз шифокорларни ҳаммаша эъзозлайди. Инсон ҳаётига дахлдор бўлган ўта масъулиятли касбни зиммасига олган, бу йўлда фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган тиббиёт ходимлари эса вилоятимизда кўплаб топилади.

Халқимиз буюк тарихий маданиятга эга эл сифатида қонун ва тартибларга, аинқиса, жамоатчилик тартибига риоя этади. Бироқ сўнгги йилларда айрим ташвишли ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқдаки, бу ҳақида ортқ жим туриш мумкин эмас. Бугун ижтимоий тармоқлар ҳаётимизга жадал суръатда кириб келиб, шунчалар тез сингишиб кетдики, ундаги жараёнлар кўп ўринда бизнинг маънавий-ахлоқий қиёфамизни белгиллаб бераёпти.

Тиббиёт шундай соҳаки, унга дахлдор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз, тиббиёт муассасаларига қунда-қунора мурожаат қилмаган кишини топиш қийин.

Афсуски, тиббиёт соҳаси вакиллариға, ходимларига нисбатан куч ишлатиш (тажовуз) ҳолатлари ҳам учраб турибди. Энди тиббиёт ходимлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашган, уларнинг ишига тўсқинлик қилган ҳамда тажовуз кўрсатган кимсаларга нисбатан қонунчиликда алоҳида тиббиёт ходими фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Шу кунларда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Қонун лойиҳаси ташаббус кўришга асосида Бош прокурор томонидан қўрилган. Қонун лойиҳасида янги киритилган 197-7-моддага кўра, тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш фуқароларга БХМнинг (баъзавий ҳисоблаш миқдори) беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишиға ёки ўн беш суткагача муддатта маъмурий қамоққа олишиға сабаб бўлади. Ушбу ҳуқуқбузарликларни жиноий ишлари бўйича судлар томонидан 3 кунлик муддатда кўриб чиқиш тақлиф қилинмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2019-2022 йиллар давомида Ўзбекистонда 290 га яқин ҳолатда тиббиёт ходимларига нисбатан турли шаклда тажовуз қилинган.

Кейинги пайтларда тиббиёт ходимларига нисбатан турли қўринишдаги таҳдид ва тажовуз қилиш, уларга жароҳат етказиш каби ҳолатлар ҳақида тез-тез эшитиб қоламиз. Бироқ амалдаги қонунчиликда хизмат вазифасини бажариб турган тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз қилганлик, тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятга тўсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри жавобгарлик белгиланмаган. Бу эса амалиётда айбдор шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг турли



Дипробо ЧОРИЕВА,  
Қашқадарё вилоят кенгаши бош мутоҳассиси

моддаларига асосан жавобгарликка тортилишиға, уларга қилмишга яраша жазо тайинланмай қолишиға сабаб бўлиб қолаётгани.


Ушбу қонун лойиҳаси билан эндиликда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги модда билан тўлдирилиб, унда тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимиға турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказган фуқароларга 1,5 миллион сўмдан 2,1 миллион сўмгача, мансабдор шахсларга эса 2,1 миллион сўмдан 3 миллион сўмгача жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ белгиланмоқда. Қонунчиликка киритилган бу ўзгаришлар соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишда мўҳим асбоб бўлади.

Жамиятда барқарорлиқни таъминлаш ҳар қандай ислохот учун устун, асосдир. Бунинг учун таъминлаш лозим. Фақат барқарор, тинч, халқ ва давлат уйғунлигида мавжуд бўлган жамиятдагина ислохот, янгилик, тараққиётга интилиш каби мақсадлардан маъно топса бўлади.

### “Tashkent Book Fest” III Тошкент халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси

## Абу Райхон Беруний асарлари нашрларининг тақдимоти бўлиб ўтди

Куни кеча пойтахтимизда жойлашган «Ўзэкспомарказ»да Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ташаббуси билан анъанавий ўтказиладиган “Tashkent Book Fest” III Тошкент халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси ўз ишнини бошлади.



Қатор хорижий ва қўшни давлатлар, жумладан, Арманистон, Беларус, Буюк Британия, Қирғизистон, Қозғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Озарбайжон, Туркия, Ҳиндистон давлатларидан соҳа мутаассидлари, етакчи нашриётлар, китоб савдо ташкилотлари вакиллари, қолаверса, юртимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар етакчилари, хусусан, «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор Баҳром Абдуҳалимов ва партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов, шунингдек, маҳаллий матбаа ва ноширлик корхоналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирок этган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан олиб борилган узоқ йиллик меҳнатлар самараси ўлароқ кенг китобхонлар оммасига тақдим этилаётган буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний асарларининг ўзбек тилидаги қайта нашрига бағишланган тақдимот ҳам ўтказилди.

Тақдим этилаётган ушбу нодир китоблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида» қароридagi вазифаларни бажариш мақсадида, алло-манинг XX аср 50-йилларидан бошлаб нашр қилинган етти жилддан иборат Абу Райхон Беруний «Танланган асарлар»и туркумига кирувчи асарларининг қайта нашридир.




Таъкидлаш жоизки, профессор Ашраф Аҳмедов ўз шоғирлари (Б.Абдуллаев, М.Хандамова, У.Куранбаева) билан биргаликда Абу Райхон Беруний «Танланган асарлар»ининг ўзбек тилидаги 8 та жилдини қайта чоп этишга тайёрлади. Қувонарлиси шуки, 2018 йилда чоп этилган, Берунийнинг «Танланган асарлар» туркумига кирмаган учта асари – кичик рисолалари («Картография», «Ўтишлар», «Зижлар сараси») 8-жилд сифатида рус ва ўзбек тилларида китобхонлар оммасига тақдим этилди.

Шунингдек, олимларимиз олдидаги кейинги вазифа Беруний асарларининг етти жилдини ўзбек тилида қайта нашр этиш бўлди. Бу мақсадга эришиш йўлида эса илмий изланишлар ва тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи жилдлар «ЎЗБЕКИСТОН» нашриётида чоп этишга шай ҳолатга келтирилди. Марҳум академик У.Каримов томонидан нашр этилган тўртинчи жилд «Сайдана» асарини ўзбекчалаштириш устида профессор С.Каримова олиб бораётган иш ҳали ниҳоясига етмаганлиги сабабли бешинчи жилднинг биринчи китобини Берунийнинг «Танланган асарлар» туркумида тўртинчи жилд қилиб, иккинчи китобини эса бешинчи жилд қилиб нашр этишга қарор қилинди.

- 1. Абу Райхон Беруний. «Қадими халқлардан қолган ёдгорликлар». Танланган асарлар. I жилд.
- 2. Абу Райхон Беруний. «Ҳиндистон». Танланган асарлар. II жилд.
- 3. Абу Райхон Беруний. «Геодезия». Танланган асарлар. III жилд.
- 4. Абу Райхон Беруний. «Қонуни Масъудий». Танланган асарлар. IV жилд.
- 5. Абу Райхон Беруний. «Қонуни Масъудий». Танланган асарлар. V жилд.
- 6. Абу Райхон Беруний. «Тафҳим». Танланган асарлар. VI жилд.
- 7. Абу Райхон Беруний. «Математик ва астрономик рисолалар». Танланган асарлар. VII жилд.

Юқорида номи зикр этилган нашрлар 2023 йилда нишонландиган буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллик юбилейига муносиб совға бўлди.

### Шароф Рашидов таваллудининг 105 йиллигига



# ИБТИДО

Шу кунларда атоқли давлат арбоби, ёзувчи ва шоир, собиқ шўро даврида республикамизни деярли чорак аср шараф билан бошқарган Шароф Рашидов таваллудининг 105 йиллиги кенг нишонланмоқда.

#### Абдуқоюм ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Кўпчилигимизга маълум, ёш Шароф Рашидов Самарқандда ўқиб, вилоят газетасида ишлаб юрган кезларидаёқ Шах сифатида шакллана бошлаган. Сўнг уруш, ярадорлик, фронт ортига қайтиш, Фарҳод ГЭСи қурилиши, отахон “Кизил Ўзбекистон” газетаси, Ўзувчилар уюшмасига раҳбарлик... Бу жараёнда Рашидов янада тобланиди, юртининг, халқининг фидойи етакчиси га айланди.

Албатта, Рашидовнинг ҳаёти ва раҳбарлик даври силлиқ кечмаган. Унинг шахсига қарши ички курашлар, Кремлнинг доимий таъйини, мафкуравий биқлик, умумиттифоқ миқёсида тарихни бузиб кўрсатишлар... Шуларга қарамасдан, ҳукмрон якка мафкура талабига зид ўлароқ, Рашидов доимо Соҳибқирон Амир Темурдан руҳий мадад олиб, унга эътимом қўйиб яшади. Айни пайтда республика раҳбари ижодкорларнинг ишончли дўсти, ҳомиysi сифатида уларни қудрати чексиз КГБ чангалидан қутқариб қолишда фаоллик кўрсатди.

Биз бугун юртимиздаги барча “қўшиб ёзиш”ларнинг бошида айнан Москва турганлиги, Рашидов уларнинг бўйруғини бажаришга мажбур бўлганлигини яхши биламиз. Шунингдек, Рашидов катта республиканинг катта раҳбари бўлгани ҳолда, Марказдан арзиманган маблағ ундириш учун ҳар гал Кремлга бош эгиб боришга мажбур бўлганлиги ҳам аён.

Афсуски, вафотидан сўнг шундай улуг одам мислсиз тухматларга дучор бўлди, шўролар мамлакатида “рашидовчилик” деган ўта салбий маъноли тушунча тарқатилди. Бу жараёнда янада тезлаштиришга ўзимизнинг “кадр”лар ҳам муносиб “хисса” қўйишди. Тез орада “Ўзбеклар иши” қатағони бошланди. Вазият шу даражага бориб етдики, ҳатто Рашидовнинг майитини қавлаб олиб, бошқа қабристонга кўчиришди...

Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди. Муस्ताқиллик шарофати билан Рашидов номи ва шаъни тикланди. Унинг 75 йиллик, 100 йиллик таваллуд саналари мамлакатимизда кенг нишонланди.

Халқимиз қаҳрамонига айланган улуг арбоб Шароф Рашидовнинг ҳаёт йўли, фожиалари, адабиётлари, изтироблари ҳамisha ижодкорларнинг диққат-эътиборида. Шу кунларда Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолияти акс этган “Рашидов: шараф йўли” киноқиссаси яратилгани ҳам юқоридаги фикрларимизнинг яққол исботидир.

Кўйида мазкур кино асардан парча эълон қиламиз.

1942 йилнинг кузи. Фарҳод ГЭСи қурилиши. Ярим тун. Қурилиш ишлари давом этмоқда. Шовқин, пайвандлаш ишлари.

Маъмурият биносидан Ўзбекистон КП МК Биринчи секретари, паҳлавон келбат, баланд бўйли, соябонли шапка кийган Усмон Юсупов, Фарҳод ГЭСи қурилиши масъулларидан Ақоп Саркисов, Мананазар Турсунов ва Юсуповнинг ёрдамчиси чиқиб келишди.

Усмон Юсупов чироқлар ёруғида қурилиши давом этаётган ГЭСга қаради, кўрагини тўлдириб нафас олди:

– Чўл ҳавоси бошқача-да...  
– Худди шундай, Усмон Юсупович, – деди Саркисов ҳозиржавоблик билан.

Юсупов қурилиш томонга ишора қилди:

– Учинчи смена ишлаяптими?

– Ишлаяпти, – яна тез жавоб қай-

Дарҳақиқат, омонат жавонларга китоблар терилган вагончадаги кичик столда, тунчироқ ёруғида Шароф Рашидов китоб ўқиб ўтирарди. Унинг қаршида бир даста китобу кўлэмалар.

Мутулаага берилиб кетган йигит вагон эшиги оҳиста очилиб, Юсупов кириб келганини сезмади, Унинг орқасидан Саркисов бўйлади, аммо вагонга сиғмагани боис, ноилож зинада туриб қолди.

– Ҳормасинлар, йигит.  
Шошиб бош кўтариб, ўзига жилмайиб қараб турган Юсуповга қараган, уни таниб қолган Шароф Рашидов учиб ўрнидан турди.

– Ие-ие, Усмон Юсупович... Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом. Саломингиз бўлмаганида икки ямлаб, бир ютмоқчийдим.

Рашидов қизариб-бўзарди:

– Кечирасиз, Усмон Юсупович, мен билмай қопман...

– Асло узр сўраманг, иним. Хўш, нималарни ўқияпмиз?

Рашидов қалин журналга ишора қилди:

– Ҳазрат Навоий ҳақидаги мате-

қилди Юсупов. – Улар учун асрлар чикора. Қаранг, шундай улуг зотга, пирга ошно бўлганингиз, ихлос қўйганингиз нуқси сизга яам урибди. Юзингиз нузли, истарангиз иссиқ...

Рашидов ноқулай аҳволда қолди:

– Э, йўғ-э... ҳазрат қаёқда-ю, мен қаёқда.

– Унақа деманг. Баланд дорга осилдингизми, унданам баланд-роққа чиқишга жон-жаҳдингиз билан ҳаракат қилинг... Хўп, иним, сизга халақат бермайлик. Биз андак шошиб турибмиз.

Рашидов эшик томон шошди:

– Сизни кузатиб...

Усмон Юсупов бетоқатлик билан қўл силтади:

– Асло! Ўтиринг, қани, ўтиринг-чи, ҳа, шундай. Энди ўқишни давом эттиринг. Бемалоғ... Ахир, аслини олганда Навоийнинг ёнида биз ҳам ким бўлибмиз... Ҳа, майли... Хайр, йигит. Насиб этса кўришамиз. Қимирламанг дедим!

Шароф Рашидов турган жойида ҳайрат оғушида қолаверди.

Усмон Юсупов ташқарига чиқаркан, вагон эшигини оҳиста ёпди ва темир зинадан шошилмай, ўйчан аҳволда тушди. Саркисов ва бошқалар уни пастда кутиб туришарди.

– Ақоп Абрамович, бу китобхон йи-

### Шароф ота

Эл унутмас эл қорига ярагани,  
Қора кунда оқ ювиб-оқ тарагани,  
Ватанини кўзга суртиб асранини,  
Сиз улугсиз, сиз буюксиз, Шароф ота,  
Сизга таъзим, сизга эъзоз, шараф, ота.

“Ота” деймиз, кўзимизга ёш келади,  
Не касларга эзилган оқ бош келади,  
Сафдошларнинг қўйнидаги тош келади,  
Сиз улугсиз, сиз буюксиз, Шароф ота,  
Сизга таъзим, сизга эъзоз, шараф, ота.

Тарих ҳакам, вақт ҳужмини ўқиди, бас,  
Қариллаган не-не зотлар йитди абас,  
Сиз-чи, фақат юскакдасиз, ҳеч қўл етмас,  
Сиз улугсиз, сиз буюксиз, Шароф ота,  
Сизга таъзим, сизга эъзоз, шараф, ота.



тарди Саркисов.

Усмон Юсупов атрофга аланглади, маъмурият биносидан сал нарида кўққайиб турган ёлғиз вагон ичида чироқ ёниб турганига эътибор қаратди.

– Бу қанақа вагон, Ақоп Абрамович?

– Усмон Юсупович, бу кутубхона. Вақтинчалик, албатта.

– Кутубхона? – ҳайрон бўлиб сўради Юсупов.

– Алоҳида бино ажратишининг иложи бўлмади. Шунга... ҳозирча...

– Тушунарли... Нима, кутубхоначи туни билан ўтириб чиқади? Чирог ёниқ-ку.

– Э, бу кутубхоначи эмас, – кулимсиради Саркисов. – Бир фронтвик парткомимиз бор. Куни билан биз қатори тиним билмайди, кечаси билан эса кутубхонада ўқигани-ўқиган, ёзгани-ёзган. Неча марта уришдим ҳам, фойдаси йўқ.

– Нима деб уришингиз?

– Ҳой, бола, соғлигингни ўйла, деб.

– Шунча денг. Қани, бўлмаса биз ҳам кириб бу қулоқсиз болани бир уришиб қўяйлик-чи.

Ҳайрон бўлган Саркисов бир нима деб улгурмасидан Усмон Юсупов биринчи бўлиб вагон томон юрди, қолганлар унга эргашиди.

риалларни.

– Хўш-хўш. Биз билан ҳам ўртоқлашинг-чи, буюк шоиримиз ҳақида нималарни ўқияпсиз?

Рашидов бажонидил изоҳ берди:

– Ўзингиз яхши биласиз, 1941 йилнинг декабрь ойида қамалдаги Ленинградда, Эрмитажда ҳазрат Навоий таваллудининг беш юз йиллигига бағишланган тантанали кеча уюштирилган. Кечани академик Орбели бошқарган. Унда ҳазрат Навоийнинг ўлмас ғазаллари ўқилган.

– Хабарим бор. Алишер Навоий учун роса гурунланганим.

– Бу ерда шоир Рождественскийнинг ёзишга кўра, тантанали кеча энди бошланганида фашистлар шаҳарни, Нева кўпригини бомбардимон қилиб қўлишган. Кеча ўтаётган жойнинг яқинига бомба тушиб,

бино зирриллаб кетган, шифтдан шувоқлар тўкилган. Шунда академик Орбели: “Хотиржам бўлинглар, ўртоқлар, тантанали кечамиз давом этади”, деб маърузасини давом эттирган экан. Кечада ўқилган, бундан беш аср муқаддам ёзилган ғазаллар худди шу бугунги кунда битилгандай, фашизмга қарши ўтти қақириб бўлиб янграбди...

– Буюклар шунинг учун ҳам буюк-да, иним! – тўлиқиб хитоб

гитнинг исмини нима дедингиз?

– Рашидов Шароф Рашидович. Фронтвик Запасдаги лейтенант. Жангда оғир ярадор бўлган. Икки марта “Кизил юлдуз” ордени билан мукофотланган.

Шу пайтгача камсуқумлик билан қўл қовуштириб турган Мананазар Турсунов биринчи марта сўхбатга қўшилди:

– Ўзи шеърлар ҳам ёзиб туради. Ёзганларидан кўпи газета-журналларда чиққан.

– Шеър ёзади денг... Айтдим-а кўзларини бошқача қақнаб турибди деб...

– мамнун кулимсираган Юсупов ёрдамчиси га ўғирлиди: – Сиз ўртоқ Рашидовнинг координатларини яхшилаб ёзиб олинг, Тошкентга боргандан кейин менга эслатасиз.

– Хўп бўлади.

– Ақоп Абрамович, тезликда, биринчи навбатда, каттакон, мухташам кутубхона қуриб, ишга туширасиз.

– Ўзи режада бор эди.

– Режада бўлса, тезлаштиринг. Дарвоқе, иккинчи блокни кўришимиз керак эди-я.

– Ҳа. Марҳамат.

Гуруҳ қурилиш томон кетаркан, Усмон Юсупов бир неча бор ўғирлиб, чирог ёниқ вагонга қараб-қараб қўйди...

# “Меҳр қолур, муҳаббат қолур...”

Манзураҳон опа, ёшлик инсон умрининг гул фасли, дейишди. Ёшликда берган кунгил икки ёшликнинг умр йулларини бахт нури билан нурафшон этади ёки армон ҳисси билан тоабдюр юрагини куйдиради. Тўғрими?

Чиндан ҳам ёшлик инсон ҳаётининг энг ажойиб фасли. Уни эсламаган, соғинмаган инсоннинг ўзи бўлмас керак. Шоир айтганидек, ёшликнинг ўзи бир гўзаллик. Ҳар замонда бир замон деганларидек, у пайтлар давр ҳам ўзгача, оилалар жуда файзли, муомала ва муносабатлар, кийиниш услубимиз, яшаш тарзимиз ҳақиқий ўзбекона урф-одатларга асосланган эди. Олтириқ туманида зиёли оиласида туғилганман. Отам ўқимишли бўлганлари учун бизнинг билим олишимизга алоҳида эътибор қаратар эдилар. Мактабни тугатиб, Фарғона давлат педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кирганман.

У пайтларда 1 май халқаро бирдамлик кўни сифатида кенг нишонланарди. Ушанда биз, 1-курс талабалари ҳам дугоналаримиз билан узун сочларимизни майда ўриб, атлас кўйлак ва дўппи кийиб, байроқ кўтариб, олдинги сафда майдондан ўтганмиз. Нуриддин ака ҳам олдинги сафда байроқ кўтариб борганлар. Тасодифни қаранг-ки, ушанда менга кўзлари тушган ва ёқтириб қолган эканлар... Кейинчалик айтишларича, менга гапиролмасдан анчагача кузатиб юрганлар. Лекин мен ҳамини уларнинг нигоҳларини сезиб юрардим. Бир курсдош қизи бизни таништириб қўйгач, дўстона гаплашиб юрганмиз ва дўстлигимиз муҳаббатга айланган. Муносабатларимиз тилга тушиб, дадамнинг қулоғига етиб борган.

Дадангиз бу хабарни қандай қабул қилдинглар? Уша пайтларда у киши аржист сифатида танинганми?

Баъзи ота-оналар артиста қиз бермайман, дейишди. Сизда бундай ҳол бўлмаганми?

Асло сўрамаган. Дадам давлат ишида ишлайдиган, қишлоғимиздаги энг обрўли, ҳамини ўша ва оиласи шаънини барча нарсадан устун қўйдиган одам эдилар. Шундай одамга қизингиз қувалик йигит билан севашаркан дейишса, нима бўлишини тасаввур қилаверинг... Шундай жаҳллари чиққан-ки, ҳаттоки ўқишга боришимни ҳам тақиқлаганлар. “Муסיқада ўқиган йигит қанақа одам бўлади? Эртага оилам демасди ундайлар. Бунинг устига узоқ жой...” деганлар. У пайтлари Нуриддин ака ҳали эпга танилмаган, институтининг байрам тадбирларида қўшиқ айтиб юрардилар.

Нуриддин ака деҳқон оиласида камолга етган бўлиб, улар зиёли оилалардан-да тарбияли, маданиятли инсонлар эди. Фарзандларини оқил ва оқила йигит-қизлар қилиб камолга етказишган. Совчиликка келишганда қайнона-қайнотамнинг очик чеҳрали, имонли, инсофли одамлар эканлигини кўрган ота-онам тўйимизга розилик беришган, айниқса, қайнонам ўзининг оқиллиги, ширинсўзлиги билан оиламиздагиларнинг меҳрини қозонганлар. Институтни тугатишимизга бир йил қолганда, Нуриддин ака халққа танила бошлаганида тўйимиз бўлди.

Бу оила сизни қандай қаршилади? Ўзбекчиликда келиннинг ўз вазибалари бор, ҳам ўқиб, ҳам уй юмушлари... Буларни уйдлаш, қайнона-қайнотамнинг кўнглини олиш осон эмас, албатта. Бундай пайтларда янги келин кувёб буланиб кўмагига, маънавий қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезади, албатта.

Бунга эҳтиёж бўлмаган, ишончли, турмуш ўртоғим оиласида кенжа бўлиши билан бирга ёлғиз ўғил эдилар. 4 нафар опалари бор эди. Улар мени, мен уларни жуда яхши кўрадик, ҳозир ҳам шундай. Мен бу оилга келин бўлиб, бегоналикни ҳис қилишимга йўл қўйишмаган. Қайнона, қайнотам ўз қизлари қаторида қўришар, бирон иш қилмоқчи бўлсам, даров: “Дамингизни олинг, қизим, чарчаб қоласиз”, деб иш қилдиришмасликка ҳаракат қилишарди. Қайнотам ширин муомалали, исломий билимларга эга инсон эдилар. Бирор марта овозларни биладиганини кўрмаганман. Қайнона ойижоним халқ табиати яхши биладиган аёл бўлиб, менга ҳам табиқлик билимларини ўргатганлар. Ҳозир ҳам уларнинг бу хунарларидан фойдаланаман. Фарзандларим, невараларим, яқинларимнинг соғлиғига муаммо бўлса, табиқий йўл билан да-



(Суратлар оилавий архивдан олинди)

волайман. Шундай оилага тақдирим боғланганидан ҳалигача қувонаман, Аллоҳга шукрона келтираман.

Нуриддин ака ёлғиз ўғил бўлса ҳам ота-онаси уларни керагидан ортиқ эркак калатмасдан, меҳр ва самимийлик билан чиройли тарбиялаганлар. Улар невараларининг тарбиясига ҳам жуда эътиборли бўлиб, ҳам талабчан, ҳам меҳрибон эдилар.

Оилага кўниги кетишингизда Нуриддин аканинг ҳам хизматлари бўлди?

Йўқ деб айтмайман, албатта. Уларнинг муомаласи, яқинларининг барчасини яхши кўриши, орамиздаги бир-бировга ҳурматнинг ўзи менга бу оилга боғланганимда, у кишининг яқинларига муносабатимда кўпик вазифини ўтаган. Аслида мен жаннатга тушиб қолгандай эдим: бу оила ҳеч ким менинг камчиликларимни айтиб, дакки бермас, тарбиялашга ҳаракат қилмас, ҳамма мени яхши кўради, назаримда. Айниқса, бу оилда ўз ўрнини топишимда қайнона ойижонимнинг кўмаклари катта бўлган. Дастурхон атрофида таом ширин бўлганини айтишса, “Овқатни Манзураҳон пиширди, болам қилди, боламнинг кўли ширин-да”, дердилар. Аслида ўзи пиширган бўлса ҳам, ҳамма раҳмат менга ёғиларди. Оилада қайси бажарилган иш мақталса, дарров мен қилган бўлиб чиқарар эдим. Мен бундан уялиб, хижолат бўлсам ҳам тўғриси айтмайман, аммо шу ишни кейинги гал худди ойижонимникидай бажаришга интилар эдим. Ҳеч қачон келиннинг қўлидан нима иш келар экан, деб синчковлик билан қараб турмаганлар. Баъзан ёшлик қилиб, нотўғри иш қилсам ҳам секингина тушунтирар эдилар. Раҳматлик қайнона ойижоним бугун ўзлари йўқ бўлсалар ҳам худди ёшимдаги каби келинларимга қандай муносабатда бўлиши, фарзанд тарбиялаш, рўзгор тутиш, оилани қандай қилиб бахтли масканга айлантириш мумкинлигини ўргатиб кетдилар. Буларнинг барчаси менга катта ҳаётий сабоқ бўлди.

Турмуш ўртоғингизнинг ота-оналарига, опаларига муносабатлари қандай эди?

Ота-онасини бир солиқ фарзанд қандай севса шунчалик, балки ундан-да зиёда яхши кўра эдилар. Айтганларини сўзсиз бажарардилар. Фарзандлик, жигарлик, оталик бурчларини биринчи ўринга қўяр эдилар. Опаларининг барчасини бирдек меҳр билан ҳурмат қилар, борганларидан ҳар бириникига кириб, ҳолидан хабар олар, уларнинг фарзандларининг институтларга кириб, олий таълим олишларида, тўйларида, синовли кунларида ёнларида туриб, ёрдамини аямасдилар. Оиламизни, фарзандларимизни ҳам уларнинг рўзгори, болалари билан меҳр ришталарини маҳкам боғлаган эдилар.

Нуриддин ака деҳқон оиласи фарзанди, дедингиз. У кишининг санъатга ихлос қўйишига қим сабабчи бўлган?

Қишлоқларда, халқ орасида шундай санъат ихлосмандлари борки, уларнинг истеъдодини кўриб, та-

санно айтасиз. Қайнона ойижоним ҳам шундай аёллардан эдилар. Онасининг санъатга қизиқиши кучлигини билган қизлари – опажоним рубоб олиб келиб берган эканлар. Мен келин бўлиб тушганимда ҳам рубоб чалиб, бир ширали овозда қўшиқ айттардилар-ки, эшитган одам сел бўлар, беихтиёр жўр бўлиб, рақсга тушиб кетар эди. Нуриддин аканинг бу соҳага қизиқиши оналаридан ўтган бўлса керак. Ойижонимнинг ўзлари ўғил билан бирга бориб, институтнинг муסיқа йўналишига ҳужжат топширтирган эканлар.

Опти фарзандни камолга етказишингиз ўзи бўлмади. Шундай пайтларда болаларга, уларнинг дарсларига, тарбиясига қанчалик эътибор бера эдилар?

Ҳозир биринчи фарзандининг қиз туғилгани учун оиласи дарз кетаётган ҳақида эшитаман. Бизнинг 4 нафар қизимиз кетма-кет туғилган. Лекин турмуш ўртоғим бирон марта ранжмаган, нега ўғил тумгайсан, деган саволни беришмаган. Қизларининг ҳаммасини яхши кўради, келинларини билан уларни номма-ном сўрардилар. Аммо улар кўпинча 10-15 кунлик хизмат сафарларида бўларди. Агар касал бўладиган бўлишса, албатта, ёшимизда бўлардилар. Мен қизларини жуда қаттиқ тутардим ва керак пайтида қаттиқ уришардим, аммо у киши бирон марта уларга овозларини кўтарганларини эслолмайман. Бир нигоҳи, кўз қарашлари билан нима демоқчи эканини аналтардилар.

Тўртта қизимиз туғилгач, Тошкентга кўчиб келганимиз. Икки нафар ўғлимиз шу ерда туғилишди. Дадаси оламдан ўтганларидан катта ўғлимиз 14, кичиги 12 ёшда эди. Ҳаётлик чоғларида уларга ҳам оталик муҳаббатини бериб улгурганларига шукр қиламан.

Нуриддин Ҳайдаровни таниганлар жуда камтар одам эди, дейишди. Камтарлиги нималарга кўринар эди?

У киши ота-онасига яхши фарзанд, болаларига меҳрибон ота, жўраларига яхши дўст, ўғилдан келганини аямайдиган, охириги пулини ҳам эҳтиёжи борлар сўраб келса, бериб юборадиган саҳий инсон эдилар. Бировга ҳасад қилмас, бировнинг муваффақиятини эшитса: “Зўр қилибди-ю, омадини берсин, баракалла!” деб кўярдилар. Камтарликка ҳаммага ўрнатилган инсонга ташқарида турғи баҳо беришарди. Мен ҳам одамларнинг ҳалигача: “Ҳофиз жуда самимий, камтар одам эди”, деганларини кўп эшитаман.

Яқинда таксида манзилмага боратган эдим, ҳайдовчи мени таниб қилиб: “Акам жуда зўр инсон бўлганлар. Бизнинг машина ювиш шоҳобчамига кириб: “Полвон, машинамин ювиб қўй”, дердилар. “Хўп”, деб машинасини ювиб бўлгунимизга, бизнинг кичкина будка-уйчамиздаги эски кўрпачаларимизга ўтириб, ёношлаб олардилар, биз ичган пиёларимизга тунука чойнагимиздан чой қуйиб, ичиб ўтирардилар. Бошқалар чой ичиш тугул, уйчамизга бурун жийриб қараб қўйишарди. Нуриддин ака жуда камтар ва самимий инсон эдилар”, деди. Юра-

гим тўлиб кетди, инсондан яхши ном қолади, дегани шу бўлса керак.

У кишининг вафотидан кейин ишонасидан олиб келишган ҳужжатлари, қозғолари орасидан бир неча ташаккурнома чиқди, улар Хлебущкина номидики болалар ўйи раҳбариятидан, берган моддий ёрдамнинг учун раҳмат, мавзусида ёзилган эди. Булар ҳақида хатто менга ҳам айтмаган, яхшиликларни ҳеч кимга билдирмай қилар эканлар.

Хонанда учун оила нима эди?

Ҳўжайимини учун оила ором, ҳузур-ҳаловат, хотиржамлик, дийдор, меҳр, шу билан бирга ўзи талпинадиган, асрайдиган, химоя қиладиган, таъминлайдиган, юраги остида хавотир қувончини олиб юрадиган улғу маскан эди. У киши меҳрибон, хушқачқак, қувноқ, саҳий ва самимий оила бошлиғи эдилар. Рўзгорни кам-кўстсиз қилиб қўярдилар. Ои-



лада ҳам тарбияли инсон эдилар. Фарзандларини ҳам ҳурмат қилардилар. Уларнинг хоналарига ҳам тўғри кириб бормасдан, таққиллатиб: “Мумкинми? Кирсам майлими?”, дердилар. Мен: “Ўз боласининг хонасига ҳам рухсат сўраб кирилар-а” деб, у кишининг маданияти ва тарбиясига ҳайрон бўлардим. Кўчадан келганларидан кизларимни кичкиналигидан кўтариб, пешоналаридан ўпардилар. Катта бўлганларидан кейин: “Энди сизни кўтармаймиз, кўл бериб сўрашамиз” деб, улар билан, хатто мен билан ҳам қўл бериб: “Саломаат”, деб сўрашардилар. Ёнида кепанлар: “Ие, кеноямин билан анчадан бери кўришмайсанларми”, деб сўрашса, “Биз бир кунда уч марта кўришсак, уч марта сўрашамиз”, дердилар.

Ҳеч қачон мени хафа қилмаганлар. Мени дўстим, дер эдилар. Мен у киши

учун ҳам рафиқа, ҳам дўст, ҳам болаларининг онаси эдим. Аёлини бунчалик ҳурмат қиладиган инсонлар ҳаётда камдан-кам учраса керак. Давраларда кимдир аёлини ёмонласа, “Ўз аёлини ёмонлайсанми?!” деб жаҳл билан уришиб ташлардилар.

Сал кайфиятим бўлмаса, бирон нарсага сиқилиб турсам: “Келинг-чи, ўтиринг-чи, нима муаммо, эшитай-чи, биргаликда ечимини топамиз”, дердилар. Гапимни тинглаб: “Шуми? Бирга ечамиз, битта кулинг-чи, сизга қулгун ярашади, ҳар доим кулиб юринг, асло сиқилманг, нима муаммо бўлса менга айтинг, ечимини биргаликда топамиз”, дердилар. Бирон марта мени ранжитмаганлар.

Хизмат сафарларида юрганларидан ҳам раҳмат, ҳам болалар тарбияси масаласида қийналмасинингиз?

Тўғри, раҳм қилардим, қизғонардим, лекин ишонардим. “Мингта гўзални сизнинг тирноғингизга алишмайман”, дер, “Мен чиройимасман”, десам, “Сизни чиройли эмас, деганлар менинг кўзим билан қарашсин сизга”, дердилар.

Нуриддин ака билан кечган йилларингиз, ҳар бир кунингиз қандай ўтарди?

Бахтли сўзига сиқмайдиган даражада... Ота-онам, жигарларим келишса, ўз ақиллари каби сиқилардилар. Қудалар бир-бири билан юрак тўла меҳр билан борди-келди қилишар эди.

У пайтларда санъаткорларнинг обрўи баланд эди. Виллоятлардан, қишлоқлардан ҳам уларни тўйларига айтиб келаверинган. Шундай пайтларда оддий одамларга қандай муносабатда бўлар эдилар?

Чиройли муомала қилиб, меҳмон қилиб жўнатардилар. Ҳаммани бирдек ҳурмат қилардилар. Виллоятлардан тўйга айтиб келувчи кишилар келганида йиманиб келишарди-ю, кетаётганларидан: “Ўзимизга ўхшаган оддий инсон экансиз-ку”, деб ҳазиллашиб, жигарлардек самимий хайрлашардилар. “Хизмат ҳақи қанча бўлади, ака?” деб сўрашса, “Кўнглингиздан чиққанини берверинг, ўша ҳало, ўша юқадки бизга”, деб ҳеч қачон хизматини, санъатини нархламаганлар. “Кибр фақат Эгамга ҳос, кибрланманглар”, дердилар. Ўзлари ҳам кибрни ёмон кўрардилар.

Санъаткорлар орасида қарама-қаршилик, баъзида соҳир овоз соҳибларига тош отиш, уларни сиқувга олиш ҳолатлари ҳам бўлганми? Шулар туфайли санъатдан қўнгли совиб, бошқа соҳага кетиш хоҳиши-чи?

Ҳар қандай ҳолатда ҳам санъатдан кетиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган бўлсалар керак. Биронта киши душманлик қилган ҳолатига гувоҳ бўлмаганман. Фақат... Мустақиллик байрагида ҳар йили рўйхатга киририларида, репетиция жараёнларида

Бугун тўрт қизимиз, тўрт куёвимиз, икки ўғлимиз, икки келинимиз бор. Биринчидан ширин 13 неварамиз уйимизни қувончга, қалбимизни орзуларга тўлдиришарди. Яқинда катта қизим неварали, мен эса ўғил чеварали бўлдим.

Қизим Нигорахон шарқшунослик институтини тугатган. Нодирахон моҳир тикувчи-дизайнер. Умидхон қизимиз ҳисобчи, Гулмирахон косметолог, Ҳожиакбар санъаткор, кичик ўғил Жасурбек менежер. Келинларим шифокор ва инглиз тили ўқитувчиси. Муҳимини, Ҳайдаровлар сулоласи вакиллари ким ва қаерда, қайси соҳада меҳнат қилсалар ҳам, қайси даврда бўлсалар ҳам ўз меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги, дили поклиги, камтарлиги билан қадр топишларига ва бизга раҳмат келтиришларига ишонаман.

Ҳаёт сизни Нуриддин Ҳайдаровдек ақлли, камтар, улғу санъаткорга рафиқа бўлиш имкони билан сиқлади ва ундан жуда эрта айириб, синовлар гирдобига ташлади... Булар сизга нималарни ўргатди?

Ҳаётда англаганим, унинг менга берган сабоғи, ҳикмати шуки, умр жуда қисқа, шуқули кунлар ўтқинчи. Ҳар бир яқин инсонинг бугун йўқолиб қолган меҳр ва ташналик билан сев, қадрла, сийла. Барча яхшиликлар ёмонликларга, қувонч гамга, дийдор ҳижронга қачон ўрнини бўшатиб беришини билимасан. Лекин, албатта, бу бўлади – бугун, балки кейин. Бошингга тош ёғса ҳам оғринма, сабрли бўл, бу синовлар ўтқинчи. Булут ортдан қўйиб чиқадди, зулматни, қалбингни ёритиб, сенга саодатни кунларини инъом этади. Ҳақиқат шуки, инсондан қоладигани, санъаткор қуйлаганидек:

Умидхон қизимизнинг кўнглини олиш осон эмас, албатта. Бундай пайтларда янги келин кувёб буланиб кўмагига, маънавий қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезади, албатта.

Қандай фазилатларга эга кишиларга ҳурмати баланд эди?

Ростгўй, софдил, ваъдасига вафо қиладиган, айтган сўзига турадиган кишиларни ёқтирардилар. Ўзлари ҳам сўз берсалар, албатта, унинг устидан чиқар, ёлғон гапирардилар, кибрландиган одамлардан йироқ юрардилар.

Кимдир дилини оғритса сизга келиб айтармидилар? Умуман, нималардан ранжир эдилар?

Хонанданинг нозик томони – ҳаммага бирдек ишонар, ўта ишонувчан эдилар. Баъзи одамлар бундан фой-

даланиб, бу кишининг номи билан ишларини битиришар, ваъда бериб, сўзининг устидан чиқмасдан, алдаб кетишарди баъзида. Ана шундай пайтларда диллари оғриб: “Нега одамлар ёлғончи-а?” деб хафа бўлардилар.

Энг қувончли, бахтли кунларингиз эслайсизми?

Қизларимиз, ўғилларимиз туғилишганида дунёларга сиғмай қувонганларимиз эсимда. Унвон олганларидан жуда севинар эдилар.

Нималарга қизиқар эдилар? Уйдан ҳамини муסיқа ва қўшиқ овози эшитилиб турармиди ёки фақат саҳналарда, тўйларда қуйлармидилар?

Китоб ўқишга кўпроқ қизиқардилар, айниқса, назимий асарларни кўп мутолаа қилардилар. Барчага бирдек ёқадиган, юракка етиб борадиган шеърларни танаб, куйга солардилар. Янги қўшиқлари кўпинча уйда аратиларди.

Дўстлари билан, оиласи даврасида тансиқ таомлар тайёрлаб, ширин суҳбат қуриб ўтириб лаззатланар, роҳатланар эдилар. Устози, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев, шогирдлари Муҳриддин Холиқов, Бекмурод Жўраев ва бошқалар билан фахрланар эдилар.

Ҳожиакбар ўғлингиз тарбияли, андишали, ҳаёли йигит. Отасининг қўшиқларини жонли овозда ижро этапти. Унинг қайси қўшиқларида отасининг овозини, нафасини ҳис қиласиз? У “Дўлана”, “Меҳр қолур, муҳаббат қолур”, “Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан” каби ўнлаб қўшиқларини қуйлаб, отасининг ижодини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, ўз қўшиқларини ҳам яраталпти, муҳлисларига эга бўлапти. Унинг қайси ашуллари сизга манзур бўлапти?

Унинг ҳар бир қўшиғидан отасининг нафаси келиб туради. Унинг бўйи-баси, хатти-ҳаракатлари ҳам отасини эслатади. Она бўлганим учунми ёки аслида ҳам шундайми, билмадим, Ҳожиакбарнинг ижодини қўллаб-қувватлаيمان, ҳар бир қўшиғини яхши кўраман.

Нуриддин ака оламдан ўтганларидан айрилиқ азобини енгишда, болаларини оёққа турғизишда кимларга, нималарга сунъингиз? Нимадан куч олдингиз?

Авалломбор Аллоҳ сабр берди, болаларимнинг, айниқса, кичик ўғлимнинг кўзидан мунг мени янада иродали, матонатли бўлишга ундади.

Инсоннинг ортида ишнини, авлодини давом эттирувчилари бўлса, улар туфайли ота-онаси ортидан раҳмат нурилари ёғилиб турса, хонандони чирогой ёниқ бўлса, демак, ҳаётда шунчаки эмас, аксинча, муносиб яшабди. Сиз ва Нуриддин Ҳайдаров каби бетакор ва бахтиёр оила соҳиб ва соҳибларининг умрингиз, ҳаётингиз, эзгуликларингиз давомчилари ҳақида гапирсангиз.

Бугун тўрт қизимиз, тўрт куёвимиз, икки ўғлимиз, икки келинимиз бор. Биринчидан ширин 13 неварамиз уйимизни қувончга, қалбимизни орзуларга тўлдиришарди. Яқинда катта қизим неварали, мен эса ўғил чеварали бўлдим.

Ҳаёт сизни Нуриддин Ҳайдаровдек ақлли, камтар, улғу санъаткорга рафиқа бўлиш имкони билан сиқлади ва ундан жуда эрта айириб, синовлар гирдобига ташлади... Булар сизга нималарни ўргатди?

Ҳаётда англаганим, унинг менга берган сабоғи, ҳикмати шуки, умр жуда қисқа, шуқули кунлар ўтқинчи. Ҳар бир яқин инсонинг бугун йўқолиб қолган меҳр ва ташналик билан сев, қадрла, сийла. Барча яхшиликлар ёмонликларга, қувонч гамга, дийдор ҳижронга қачон ўрнини бўшатиб беришини билимасан. Лекин, албатта, бу бўлади – бугун, балки кейин. Бошингга тош ёғса ҳам оғринма, сабрли бўл, бу синовлар ўтқинчи. Булут ортдан қўйиб чиқадди, зулматни, қалбингни ёритиб, сенга саодатни кунларини инъом этади. Ҳақиқат шуки, инсондан қоладигани, санъаткор қуйлаганидек:

Умидхон қизимизнинг кўнглини олиш осон эмас, албатта. Бундай пайтларда янги келин кувёб буланиб кўмагига, маънавий қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезади, албатта.

Қандай фазилатларга эга кишиларга ҳурмати баланд эди?

Ростгўй, софдил, ваъдасига вафо қиладиган, айтган сўзига турадиган кишиларни ёқтирардилар. Ўзлари ҳам сўз берсалар, албатта, унинг устидан чиқар, ёлғон гапирардилар, кибрландиган одамлардан йироқ юрардилар.

Кимдир дилини оғритса сизга келиб айтармидилар? Умуман, нималардан ранжир эдилар?

Хонанданинг нозик томони – ҳаммага бирдек ишонар, ўта ишонувчан эдилар. Баъзи одамлар бундан фой-

даланиб, бу кишининг номи билан ишларини битиришар, ваъда бериб, сўзининг устидан чиқмасдан, алдаб кетишарди баъзида. Ана шундай пайтларда диллари оғриб: “Нега одамлар ёлғончи-а?” деб хафа бўлардилар.

Энг қувончли, бахтли кунларингиз эслайсизми?

Қизларимиз, ўғилларимиз туғилишганида дунёларга сиғмай қувонганларимиз эсимда. Унвон олганларидан жуда севинар эдилар.

Нималарга қизиқар эдилар? Уйдан ҳамини муסיқа ва қўшиқ овози эшитилиб турармиди ёки фақат саҳналарда, тўйларда қуйлармидилар?

Китоб ўқишга кўпроқ қизиқардилар, айниқса, назимий асарларни кўп мутолаа қилардилар. Барчага бирдек ёқадиган, юракка етиб борадиган шеърларни танаб, куйга солардилар. Янги қўшиқлари кўпинча уйда аратиларди.

Дўстлари билан, оиласи даврасида тансиқ таомлар тайёрлаб, ширин суҳбат қуриб ўтириб лаззатланар, роҳатланар эдилар. Устози, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев, шогирдлари Муҳриддин Холиқов, Бекмурод Жўраев ва бошқалар билан фахрланар эдилар.

Ҳожиакбар ўғлингиз тарбияли, андишали, ҳаёли йигит. Отасининг қўшиқларини жонли овозда ижро этапти. Унинг қайси қўшиқларида отасининг овозини, нафасини ҳис қиласиз? У “Дўлана”, “Меҳр қолур, муҳаббат қолур”, “Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан” каби ўнлаб қўшиқларини қуйлаб, отасининг ижодини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, ўз қўшиқларини ҳам яраталпти, муҳлисларига эга бўлапти. Унинг қайси ашуллари сизга манзур бўлапти?

Унинг ҳар бир қўшиғидан отасининг нафаси келиб туради. Унинг бўйи-баси, хатти-ҳаракатлари ҳам отасини эслатади. Она бўлганим учунми ёки аслида ҳам шундайми, билмадим, Ҳожиакбарнинг ижодини қўллаб-қувватлаيمان, ҳар бир қўшиғини яхши кўраман.

Нуриддин ака оламдан ўтганларидан айрилиқ азобини енгишда, болаларини оёққа турғизишда кимларга, нималарга сунъингиз? Нимадан куч олдингиз?

Авалломбор Аллоҳ сабр берди, болаларимнинг, айниқса, кичик ўғлимнинг кўзидан мунг мени янада иродали, матонатли бўлишга ундади.